

Барча яхшиликлар Аллоҳнинг тавфиқидандир



09:00 / 05.12.2021 2086

Ривоятларда келадикки, бир куни шайх Абдулқодир Жийлоний шогирдлари билан Боғдоднинг қадимги кўчаларидан ўтиб кетаётган эди. Йўл четидаги ариқда кийимлари абгор ҳолда бир маст одамнинг ётганини кўрдилар. Маст уларни тўхтатиб шайхга қараб «Эй Абдулқодир! Аллоҳ Қодирми ёки Қодир эмасми?», деди.

Шайх табассум қилиб: «Албатта, Аллоҳ Қодир» деди.

У иккинчи марта «Эй Абдулқодир! Аллоҳ Қодирми ёки Қодир эмасми?», деди.

Шайх яна табассум қилиб: «Албатта, Аллоҳ Қодир» деди.

У учинчи марта «Эй Абдулқодир! Аллоҳ Қодирми ёки Қодир эмасми?» деди. Шунда шайх Абдулқодир йиғлаб саждага бош урди. «Албатта, Аллоҳ Қодир, Аллоҳ Қодир, Аллоҳ Қодир» деди. Сўнг шогирдларига уни олиб бориб ювиб-тараб ҳурмат кўрсатишни буюрди. Шогирдлар шайхнинг ушбу ишидан таажжубга тушдилар ва маст кишининг сўзидаги маъноларни сўрадилар. Шайх: «У биринчи саволида «Аллоҳ мени тавбамни қабул қилишга Қодирми» деб сўради. Мен албатта, деб жавоб бердим.

У иккинчи саволида «Аллоҳ мени сенинг мақомингга кўтаришга Қодирми?» деб сўради. Мен албатта, деб жавоб бердим.

У учинчи саволида «Аллоҳ таоло сени менинг ўрнимга тушириб юборишга қодирми?» деб сўради. Менинг қалбимда кўрқинч пайдо бўлиб йиғладим ва албатта, албатта, албатта, деб жавоб бердим. Сўнг Аллоҳга Ўзининг макри (синови)дан хотиржам қилиб қўймаслигини сўраб дуо қилдим ва саждага йиқилдим» деди.

Ибрат

Эй инсон! Мартабанг, амалинг, ибодатинг, илминг, соғлигинг, мол-давлатинг, болаларинг, насабинг ва кучингга мағрурланиб қолма!

Ўзгартирадиган, лекин ўзгармайдиган Зот ҳар қандай нуқсондан пок зотдир.

«Аллоҳнинг «макри»дан хотиржам бўлдиларми? Аллоҳнинг «макри»дан фақат зиён кўрувчи қавмларгина хотиржам бўлурлар» (Аъроф сураси 99-оят).

Куфр ва гуноҳга тушиб қолишдан кўрқиб яшанг. Ўзингизга ишониб қолманг. Чунки сиздаги барча яхшиликлар Аллоҳнинг тавфиқидан. Ўзингизга ташлаб қўйиши бу унинг «макри» дир.

Манба: *habib.uz*